

# Единый портал корпоративной информации

## Объявления

"Zirabuloq paxta tozalash" AJ

Объявление

"ZIRABULOQ PAXTA TOZALASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

### БАХОЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

**“Зирабулоқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти балансидаги**

**мол-мулкларни бозор қийматини аниқлаш ҳамда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг экспертизадан ўтказиш мақсадида мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилиши ҳақида эълон қилади !**

Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 10 августдаги йиғилиши қарорини ижросини таъминлаш мақсадида **“Зирабулоқ пахта тозалаш” АЖга қарашли “Чархент” пахта қабул қилиш маскани бино ва иншоотларни бозор қийматини аниқлаш ҳамда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш** учун баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилинади.

**“Зирабулоқ пахта тозалаш” АЖ устав фондида давлат улуши мавжуд эмас.**

**Танловда иштирок этиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар жамиятга қўйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:**

- Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
- Ташкилот устави нусхаси;
- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- Баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полиси нусхаси;
- Баҳолаш ҳамда экспертиза ишининг бажарилиш муддати ва хизмат ҳақи миқдори кўрсатилган тижорат таклифи;
- Баҳоланган корхоналар рўйхати;
- Баҳоловчи ташкилотлар уюшмасига ёки Баҳоловчилар жамиятига аъзолиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;
- Лицензияловчи орган томонидан берилган баҳолаш ташкилоти раҳбари ва баҳоловчиларнинг малака сертификати нусхаси.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхалари тикилган ҳолда ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланган ёки электрон PDFшаклида бўлиши шарт.

**Тижорат таклифларини 2022 йил 20 август соат 16:00 га қадар қўйидаги манзилга юборишингиз сўралади:**

Ўзбекистон Республикаси, Индекс:141 200, Самарқандвилояти, Нарпай тумани,Оқтошшаҳри, Зирабулоқ кўчаси 43-ўй.

**Маълумот учун телефонлар:** (+99897) 925-14-44.

**Эълон жойлаштирилган сана:** 2022 йил 12 август

**Почта манзили:**info@zirabulokptk.uz

15.08.2022

---

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/14233/>

Дата: 10.05.2026